

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zenergositish” АЖ
Кузатув кенгашининг
2024 йил 10 сентябрдаги
4-сонли қарори билан**

**“O‘ZENERGOSITISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	3
III. ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ ОШКОР ЭТИЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН АХБОРОТНИНГ РЎЙХАТИ, УНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ	4
IV. ҚЎШИМЧА ОШКОР ҚИЛИНАДИГАН АХБОРОТ РЎЙХАТИ ВА ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.....	5
V. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАСЪУЛ ШАХСЛАРИ ВА ИШЧИЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ.....	6
VI. КОМПАНИЯНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ	6
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	6

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. ““О‘zenergositish” АЖнинг Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли ва “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли Қарорлари, Адлия вазирлигидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари” ва Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу Низом “О‘zenergositish” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) томонидан ошкор қилиниши мажбурий бўлган ахборот ва ҳужжатларнинг рўйхатини белгилайди, шунингдек уларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

2. Ахборот сиёсатининг мақсади, акциядорлар, инвесторлар ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали Жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун Жамият ҳақида ишончли маълумотларни олиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Жамият тўғрисидаги конфиденциал маълумотларни ҳимоя қилишга қаратилган.

II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

4. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари ахборот ресурсларининг мунтазамлиги, тезкорлиги, фойдаланиш имконияти мавжудлиги, тўлиқлиги, тенглиги, мувозанатлилиги ва ҳимояланганлиги ҳисобланади.

5. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларга Жамият ҳақида мунтазам равишда ахборот тақдим этилишини назарда тутади.

6. Тезкорлик тамойили Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган ва манфаатдор шахсларнинг манфаатларини қамраб оладиган муҳим воқеалар ва фактлар ҳақида Жамият томонидан манфаатдор шахсларни қисқа муддат ичида хабардор қилишини англатади.

7. Ахборотдан фойдаланиш имконияти мавжудлиги тамойили Жамият томонидан ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатишда манфаатдор шахсларга ошкор қилинадиган ахборотга эркин ва қийинчиликсиз кириш имконини таъминлайдиган каналлар ва усулларни қўллашини билдиради.

8. Тўлиқлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларга ҳақиқий маълумотларни тақдим этишни, ўз фаолияти ҳақидаги салбий ахборотни ҳам очиқлашдан четланмасликни, Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон берувчи ҳажмда маълумот тақдим этишни англатади.

9. Тенглик тамойили Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш ва унга киришда барча манфаатдор шахсларга тенг ҳуқуқларни таъминлайди.

10. Мувозанатлилик тамойили Жамиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатларини таъминлаш ўртасида оқилona мувозанатни сақлашни назарда тутди. Бунинг зарур шартлари қуйидагилар:

- махфий ахборотни ҳимоя қилиш;

- қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва қўллаш қоидаларига риоя қилиш.

11. Ҳимояланганлик тамойили тижорат ёки бошқа сир ёки махфий маълумотлар ҳисобланган ахборотни қонунчиликда руҳсат этилган усуллар ва воситалар орқали ҳимоя қилишни назарда тутди.

III. ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН ОШКОР ҚИЛИНИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН АХБОРОТНИНГ РЎЙХАТИ, МУДДАТИ ВА ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12. Жамият ошкор этиши мажбурий бўлган маълумотларни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.02.2014 йилдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сон ва 31.12.2013 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган миқдор, муддат ва усулда ошкор қилади.

13. Ахборотни мажбурий ошкор қилиш:

- Корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);

Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.ues-jsc.uz) амалга оширилади.

14. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ёки Фонд биржасининг расмий веб-сайтида мажбурий ошкор этилиши шарт бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилардир:

- қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий таклиф қилинган тақдирда);

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган ҳисоботи;

- Жамиятнинг биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўққиз ой яқунлари бўйича ҳисоботи.

Жамият юқоридаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари”да белгиланган муддат, тартиб ва шаклда ошкор қилади.

15. Жамиятнинг расмий веб-сайти (www.ues-jsc.uz) мавжуд бўлиб, унда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан белгиланган маълумотларни ошкор этилиши таъминланади.

16. Қўйидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида ошкор этилади:

- акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома;
- Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгаргани тўғрисида маълумот;

акцияларни ёки акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар таклифлари;

- Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиши тўғрисидаги маълумотлар;

- Жамиятнинг тугатилгани, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талаблар қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги маълумотлар.

IV. ҚўШИМЧА АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

17. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қўйидаги қўшимча маълумотларни ошкор қилади:

- Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига риоя қилиш мажбурияти қабул қилингани ва унга риоя этилиши тўғрисидаги маълумотлар;

- ижро этувчи орган тўғрисидаги, шу жумладан ушбу Жамиятда ишлаган даври бўйича маълумотлар;

- Жамият ижроия органи ва корпоратив бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари;

- Жамият акцияларининг 20 фоизидан ортиғига эгалик қилувчи акциядорлар тўғрисидаги маълумотлар;

- соф фойдани таклиф этилаётган тақсимоти асоси, дивидендлар миқдори, уларнинг Жамият томонидан қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлиги ва бошқалар;

- кутилаётган соф фойдани кўрсатган ҳолда инвестиция лойиҳалари кўринишида амалга оширилаётган Жамиятнинг кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши ва техник қайта жиҳозланиши бўйича режалар.

18. Кузатув кенгаши ва ижроия органининг мукофотлари ва компенсацияси миқдори тўғрисидаги маълумотлар акциядорларнинг умумий йиғилишида ошкор қилинади.

19. Жамият қонун ҳужжатларида ахборотни ошкор қилиш назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам Жамият тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлайди.

V. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАСЪУЛ ШАХСЛАРИ ВА ИШЧИЛАРИНИНГ МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ

20. Жамият бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатдор шахслар билан маълумот алмашиш учун Жамиятда масъул ходим тайинлайди ва у орқали ахборот алмашади.

21. Манфаатдор шахсларнинг ушбу Низомда назарда тутилган маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги ёзма (электрон) талабномасига биноан Жамиятнинг масъул ходими, агар қонун ҳужжатларида бошқача муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта муддатда барча зарур маълумотларни электрон шаклда тақдим этади.

22. Ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиш зарурати туғилганда манфаатдор шахсдан ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш ҳамда ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш қийматидан ошмайдиган миқдорда тўлов ундирилиши мумкин.

23. Амалдаги қонун ҳужжатлари билан ошкор этилиши таъқиқланган Жамият тўғрисидаги ахборотларни ошкор этиш мумкин эмас.

VI. ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА НАЗОРАТ ЧОРАЛАРИ

24. Жамиятнинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича масъул ходими, корпоратив маслаҳатчиси (мавжуд бўлса), корпоратив муносабатлар бўлимининг масъул ходими, Жамиятнинг масъул бухгалтери ушбу Низомда назарда тутилган маълумотларнинг ошкор этилиши ва Жамият тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши учун масъул ҳисобланади.

25. Жамият Кузатув кенгаши ҳар йилда ижро этувчи органнинг мазкур Низом талаблари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини эшитади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор этиладиган маълумотларнинг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги учун жавобгарлик Жамият ижро органи зиммасига юкланади.

Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор этилиши ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва унга мукофотлар (бонуслар) тўлаш шартидир.

27. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан унинг мажлисда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овози билан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарори билан амалга оширилади.

29. Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид эканлиги аниқланса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалаларда мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига амал қилиш лозим ҳисобланади.